ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.З.Носиров, Д.Т.Исломова, Б.С.Рахмонова

В этой статье проанализированы сущность, особое место, специфические особенности и факторы развития дехканских хозяйств в производстве сельскозозяйственных продуктов. Выявлены факторы лидерства в животноводстве. Разработаны рекомендации по проблемам организации информационно-консультативных услуг, а также усовершенстовования реализации продукции в период либерализации экономики.

In this article analysed the essence, place, significance, specific features and factors of developing of the original little farmer facilities in Uzbekistan. The factors of leading in animal industries are revealed. Developed the recommendations for problems of organization of information-consulting services, and also accomplishing of realization of production during liberalization of economy.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг моддий-техника базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида этибор берилмоқда.

Бугунги кунда деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Мулкчилик муносабатлари моҳият жиҳатидан моддий неъматга нисбатан ўзлаштириш, фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқлари тизимини, унинг ҳаракатини ифода этувчи кенг қиррали ва кенг маъноли иқтисодий категориядир. Бинобарин, барча муносабатлар йиғиндиси ўзгартирилган ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароити талабларига мослаштирилган шароитдагина деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш учун кенг имконият яратилади.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз аграр соҳасида хўжалик юритишнинг икки тури: устувор ривожланаётган ҳамда асосий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулот етиштирувчи мустақил фермер хўжаликлари, майда товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқда мулкдорлар синфининг реал вакили деҳқон хўжаликлари бўлмоқда. Мамлакатимизда деҳқон хўжаликлари сони 3720 мингтадан ортди, уларнинг ер майдонлари эса 554,5 минг гектарга етиб, мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши 2008 йилда 65,3%ни ташкил қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масаласи давлат томонидан қўллаб-қувватланиши сабабли уларнинг фаоллиги ошиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси кескин ошмоқда. Натижада уларнинг аграр иқтисодиётда тутган ўрни янада мустаҳкамлашиб бормоқда.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс мақомига эга ва юридик шахс макомига эга бўлмаган ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин.

Айни пайтда республика бўйича мавжуд йирик шохли молларнинг 92,8 %и, сигирларнинг 94,3 %и, қўй ва эчкиларнинг 76,9 %и, паррандаларнинг 65,3 %и деҳқон хўжаликларида боқилмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотнинг 68 %и, гўштнинг 95 %и, сутнинг 96, 8%и, тухумнинг 61,8 %и деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, деҳқон хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ердан самарали фойдаланиш хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига нисбатан юқори бўлмоқда.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларни жойларда амалиётга тадбиқ этишда қатор камчиликлар мавжуд. Кўпгина деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб олганлари йўқ. Шунингдек, деҳқон хўжаликларининг ривожланиши учун зарур бўлган пул-

кредит муаммолари, шартнома шартларининг бажарилиши ҳамда уларга сервис хизмати турлари ва кўламларини кенгайтириш бўйича қатор ҳал бўлмаган муаммолар бор.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилган бошқа талаб ва коидаларга риоя этиши лозим.

Деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа органлар ва ташкилотлар ҳамда мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Юридик шахс тарикасида руйхатга олинган деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятини бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шартларда амалга оширади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти, хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигида муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида фақат вақтинча жалб этилиши мумкин. Деҳқон хўжалигида ишлаган вақти, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, пенсия жамғармасининг туман бўлимида меҳнат дафтарчасига белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда, меҳнат стажига қўшилади. Деҳқон хўжалиги аъзоларига ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун хужатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотларни реализация килиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафларнинг шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя килиш Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари деҳқон хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

Деҳқон хўжаликларининг ривожланиши масаласига янада чуқурроқ ёндашиш ва улар фаолиятини тадқиқ қилиш, мавжуд ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг уларнинг ривожланишига таъсири ва лозим бўлса, бу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш бўйича илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни деҳқон хўжаликлари раҳбарларига етказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Деҳқон хўжаликларининг ривожланишида маҳаллий ҳокимиятлар муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ҳам уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун жойларда ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга жорий этилишини таъминлаш муҳим роль ўйнайди.

Деҳқон хўжаликларининг озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси келажакда хам сақланиб колиши ва ўсиши кўзда тутилмокда. Шунинг учун хам уларни ривожлаништиришни хар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Қўл меҳнатини, алохида билим ва тажрибани, хамда мураккаб технологияни талаб қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни иложи борича кўпроқ уларнинг ихтиёрига топшириш чора-тадбирларини кўриш керак.

Деҳқон хўжаликларининг самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, улар учун техник-технологик, агротехник ва зооветенария соҳаларида рақобат асосида ишлайдиган сервис хизматини йўлга қўйиш, минитехникаларни лизингга беришни ва янги технологияларни етказиб беришни ташкил этиш зарур.

Деҳқон хўжаликларини ихтисослашувига қараб сифатли сабзавот уруғлари, мева ва узум кўчатлари хамда ем-хашак билан таъминлашга эътиборни кучайтириш керак. Чорвачиликка

ихтисослашган деҳқон хўжаликларига, уларда мавжуд булган қорамоллар сонини хисобга олиб, шартнома асосида такрорий экин сифатида ем-хашак етиштириш учун ер ажратиш масаласини ҳам ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурида ҳам деҳқон хўжаликларига мини-техникаларни ва зотдор хайвонларни сотиб олиш ҳамда кичик цехлар, иссиқхоналар ва хўжалик биноларини барпо этиш учун имтиёзли асосда микрокредитлар беришни такомиллаштириш устувор йўналииш сифатида белгиланган.

Деҳқон хўжаликларида етиштирилган махсулотларни истеъмолчиларга ўз вактида ва сифатли даражада етказиб беришини ташкил этиш мақсадида улар учун маркетинг хизматини йўлга қўйиш, бозорларда етарли шарт-шароитларни яратиш зарур. Деҳқон хўжаликлари ривожланишида вақтли матбуот, телевидение ва радионинг ўрни беқиёсдир. Аҳоли ўртасида деҳқон хўжаликларининг ўрни, роли, аҳамияти, уларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида кенг ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бориш бугунги кунда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Андижон қишлоқ хўжалик институти,
2009 йил 1 июнда қабул қилинган